Ушбу сонда:
2 БЕҒУБОР ОСМОН ОСТИДА
3 ДЎСТ ҚАДРИ
4 «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ТАРАДДУДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 17 август, жума №127 (1141)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ислом КАРИМОВ:

Неча бор айтганман ва яна бир бор таъкидлаб айтаманки, ҳар бир ўзбекистонликнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун, бахтли ҳаёт кечириши учун қўлимдан келгунча хизмат қилишга тайёрман.

БИЗНИНГ ЯГОНА ВА АЗИЗ ЮРТИМИЗ

Биз эришган катта ютуқ — тинчлик ва барқарорлик, бизнинг умум уйимиздаги миллатлараро ва фуқаровий тотувликдир.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу— мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган давлатдир.

Тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради.

Ўзбекистонда яшаётган халқлар ўзига хосликни йўқотмагани ҳолда хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди.

Республикада фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ички ва ташқи сиёсатимизнинг муҳим таркибий қисмидир. Халқнинг бирлиги, жипслиги, тинч-тотувлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қонқардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Айни пайтда у буюк орзу-умидлар, якдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик юрти. Турли миллат вакилларининг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлган улуғвор хонадон.

Биз учун истиқлол — ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодларидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Мақсадга эришиш учун юртимизнинг барча аҳолиси Ўзбекистонни ягона ва азиз юртимиз деб билиши, ўз тақдирини Ватан тақдири билан узвий боғлаб курашмоғи, меҳнат қилмоғи даркор.

Биз барчамиз — улуғвор дарахтмиз. Бу дарахтнинг замон шамол-бўронларидан эсон-омон қолиши бизнинг ўзаро жипс, якдил ва мустаҳкам бўлиб туришимизга боғлиқ.

Халқларимиз орасидаги бу дўстлик ва аҳилликни биз бениҳоя қадрлаймиз. Бу бизнинг энг катта бойлигимиз, қудрат ва шаън-шавкатимиз манбаидир.

Ўзбекистон фуқароларининг ватанпарварлиги — бу катта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган Йўлчи Юлдуз, ишончли компасдир.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 август куни Оқсарой қароргоҳида Корея Республикаси савдо вазири Ду Юн Хвангни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

17 август куни Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқара бошлаган «Матиз» русумли янги автомобилнинг тақдимот маросими бўлиб ўтади. Кореялик меҳмон шу тантанали тадбирда иштирок этиш учун юртимизга ташриф буюрган. Давлатимиз раҳбари, «ЎзДЭУавто»нинг янги маҳсулоти Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорлиги янада юксалишига йўл очишини айтди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган давлатлардан саналади. Республикамизда мазкур мамлакатнинг йигирмага яқин йирик компанияси ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Кореяликлар сармояси билан ишлаётган корхоналар сони юздан ошиб кетди. «ЎзДЭУавто», «ДЭУ текстил» ва «Кабул-Узбек Ко.Лтд» қўшма корхоналари мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида катта бурилиш ясади, десак хато бўлмайди. Автомобилсозлик ва тўқимачилик саноати кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорлик туфайли ривож топиб бормоқда. «ЎзДЭУавто»да ўтган йили 30,7 минг дона автомобил ишлаб чиқарилди, 67,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. «Кабул-Ўзбек Ко.Лтд» эса 50 минг тонна пахтани қайта ишлаб, 75 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди. Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги савдо 393,9 миллион долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 297,3 миллион долларга тенглашди.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида ана шу ютуқлар таъкидланар экан, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар хусусида фикр алмашилди.

(ЎзА).

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрами арафасида Навоий аэропорти қайта ишга тушди. Аэропорт Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлигида жаҳон андозаларига мос равишда таъмирланди. Энди навоийликлар мамлакатимиз шаҳарлари, шунингдек хорижий давлатларга парвоз қилиш имкониятига эга бўлди.

Байрамона безатилган аэропортда «Тошкент-Навоий» йўналиши бўйича учган ҳаво лайнерининг биринчи йўловчиларини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

(ЎзА).

ҚАҲРАМОННИНГ УЧ БАХТЛИ КУНИ

Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалигининг раиси, Хоразм пахтакор ва шоликорларининг сардори, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф оға Қуваков республикамизнинг табаррук инсонларидан бири. Яқинда у бошқараётган хўжаликнинг 30 йиллиги нишонланди. Мазкур тадбир олдидан мухбиримиз таниқли раис билан мулоқотда бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

— Машариф оға! Сиз ва Сиз бошқараётган хўжалик ҳақида кўплаб мақола ва очерклар, ҳужжатли қиссалар чоп этилган, кинофильмлар яратилган. Шу боис, фаолиятингиз элга ойнадай равшан. Мустақиллигимизнинг шонли 10 йиллиги арафасида эса Сизга «теша тегмаган» битта савол билан мурожаат қилсам.

— Бажонидил.

— Ҳаётингиздаги қайси кунни энг бахтли кун деб ҳисоблайсиз?

— Бундай онлар учта бўлган. Уларнинг биринчиси — 1991 йилнинг 31 августи. Шу куни республикамиз Президенти давлатимиз мустақиллигини эълон қилди. Мен ўшанда 53 ёшда эдим. «Худойимга минг марта шукр, ҳали куч-қувватим бор. Энди мустақил давлатим, мустақил элим учун сидқидилдан хизмат қилишга ярайман» деган фикр ўтганди хаёлимдан ўшанда...

— Иккинчи бахтли кунингиз, албатта, Сизга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги ҳақида Фармон чиққан айём бўлса керак?

— Йўқ, иккинчиси 1997 йилнинг 27 январи бўлди. Ўша куни Вазирлар Маҳкамаси йиғилишда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов бизнинг хўжаликни энг яхши меҳнат жамоалари қаторида тилга олиб, ибрат қилиб кўрсатди. Шу кун хўжалигимиз меҳнат аҳли, барча боғотликлар учун байрам бўлиб кетди...

— Учинчи бахтли кун эса, албатта...

Бу шубҳасиз мен учун алоҳида кун. Яна бир бахтли кун эса менга орадан бир йил ўтгач насиб этди. Ўшанда онам саксон беш ёшга чиққан эдилар. «Ўғлим, машинангга ўтирғизиб, қишлоғимизни бир кўрсатиб кел» дея илтимос қилдилар... Жоним билан дедим.

Орадан бир соат ўтгач, қишлоғимизнинг равонкенг кўчаларини, замонавий, кўркам уйларни, одамлар юзидаги табассумни кўриб, кўзларидан ёш чиқиб кетди. «Ўғлим, мен сендан розиман, - дедилар онам. - Насиҳатимни унутмабсан...».

Гап шундаки, машъум уруш йилларида бизнинг оиламиз ниҳоятда оғир кунларни бошдан ўтказди. Отамиз ҳаётдан эрта кўз юмган, онамиз қўлида бир неча ёш болалари билан қолганди. Ўзини чор-тарафга уриб, бизнинг қорнимизни тўйғазишни ўйларди. Ана ўша кунлари бутун қишлоқ бизга ёрдамга келди. Яхшилар биз — гўдакларнинг оёққа туриб олишимизга кўмаклашдилар.

Ўша оғир кунларда онам кўзда ёши билан кўп марталаб бир гапни такрорлаганликларини асло унутмайман: «Ўғлим, бир кун келиб камолга етсанг, умринг бўйи ҳамқишлоқлар, элу юрт хизматида бўл. Ўшандагина оқ сутимдан рози бўламан».

Онамнинг табаррук дуосини олган куним — менинг учун учинчи бахт куни. Ният қиламан: шу она юртимга, фидокор халқимга асло кўз тегмасин!

Суҳбатдош: Қ.СОБИРОВ, «Ишонч» мухбири.

ФЕРМЕРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Термиз туманининг «Дўстлик» ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги Чори Ёрматов бошлиқ «Солиобод» фермер хўжалиги мамлакатда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартнома-режасини бажарди. 22 гектар майдондан 70 тонна ҳосил олинди. Тайёрлов пунктига фақат аълo нав пахта топширилди.

- Кўп йиллардан буён пахтакорлик қиламан,- дейди Чори Ёрматов. - Деҳқончилик қилиб, рўзғор тебратиб келаман. Лекин пахтакор меҳнати ҳеч қачон ҳозиргидай қадрланмаган. Бундай деяётганимнинг сабаби - фермер хўжалиги ташкил этилиб, ерга эгалик қила бошлаганимиздан сўнг меҳнатимизга ҳам, рўзғоримизга ҳам барака кирди. Ҳар йили шартнома-режаларни ортиғи билан уддалаяпмиз. Шунга яраша яхшигина даромад қиляпмиз.

(ЎзА).

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ УЛКАН ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда Бадиий академия билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказаётган «Шу азиз Ватан - барчамизники!» фестивалида бугал пойтахтимиз -Тошкент шаҳри мезбонлик қилмоқда.

Шу муносабат билан Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида бўлиб ўтган тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, фан ва техника давлат қўмитаси раиси Пўлат Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева пойтахтимизнинг Ватанимиз тараққиётида тутган муҳим ўрни, мустақиллик йиларида юз берган улкан ўзгаришлар ҳамда барча жабҳаларда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни хусусида гапирди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида Тошкент миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлашган, бирбиридан муҳташам бино ва иншоотларга бой гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Шаҳарнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, аҳамияти тобора юксалиб боряпти.

Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳияти ҳақида гап кетганида, даставвал, унинг ривожланган саноати мамлакатимиз равнақининг таянч устунларидан бири эканини ҳам таъкидламоқ жоиз. Пойтахтдаги АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Франция, Италия, Туркия ва бошқа кўпгина давлатлар билан ҳамкорликда барпо этилган «Ўзкейстрактор»,»Кока-кола», «Спектр», «ЎзДЭУ электроникс», «INSOF-RI», «Кабул-Ўзбек Компани» каби корхоналар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

Кўргазмада маҳсулотлари намойиш этилаётган «Тошкент-Ценнер» Ўзбекистон-Германия-Люксембург қўшма корхонаси саноат корхоналари ва хонадонлар учун сув ўлчагич асбоблар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона ташкил этилган дастлабки пайтда деталлар Германиядан келтирилган бўлса, ҳозир бундай жиҳозлар мамлакатимизда тайёрланяпти. Бу ерда ишлаб чиқарилган иссиқлик қувватини ўлчовчи ускуна - «Мультидата»га ҳам эҳтиёж катта. Хорижий технология бўйича кўпикбетон ишлаб чиқарувчи «Хорижқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг маҳсулотлари эса экологик тозалиги билан харидорлар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Тошкентда миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъатининг ўзига хос мактаблари шаклланган. Фестивалда намойиш этилаётган «Мусаввир» маркази, «Усто» ва «Ҳунарманд» каби ижодий марказларда фаолият кўрсатаётган қўли гул рассомлар, усталарнинг маҳсулотлари кўзни қамаштиради. Лекин миниатюра йўналишида ижод қилувчи мусаввир Баҳодир Ҳожиматовнинг асарлари Буюк Британия, Япония, Исроил каби давлатларда, Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган «ЭКСПО-2ООО» кўргазмаларида катта шуҳрат қозонган. Унинг, айниқса, ҳазрат Навоий «Хамса»сига бағишлаб тайёрлаган локли миниатюра композицияси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмага ташриф буюрган киши Тошкентнинг истиқлол йилларидаги улкан тараққиёти ҳақида катта таассурот билан қайтиши табиий.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

КЎПРИК ҚУРГАН ЕТАР МУРОДГА...

Қарши шаҳрига Косон тумани ҳудудидан кириб келган меҳмонлар бу улкан қурилишни кўриб бунёдкор қўллар маҳоратига таҳсин айтадилар. Катта Ўзбек автомобил йўлининг 705-километрида лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўмлик кўтарма кўприк қуриб битказилди.

Мамлакатимизда энг йирик кўприк қурилиши жуда қисқа муддатда, ярим йилда ниҳоясига етказилди.

— Лойиҳа бўйича кўтарма кўприкни икки йилда фойдаланишга топширишимиз керак эди, — дейди биз билан суҳбатда «Қашқадарёавтойўл» ҳиссадорлик бирлашмаси раиси, республика Олий Мажлиси депутати Қурбон Панжиев. — Бунёдкорларимизнинг фидойи меҳнати билан мустақиллик иншооти қисқа фурсатда қад кўтарди.

Дарҳақиқат, ҳар бир ишнинг сифати ва аъло даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатилганлиги, қурилиш материаллари ўз вақтида келтириб турилганлиги, бунёдкорлар астойдил меҳнат қилганликлари муваффақиятни таъминлади.

Қурилишда Китоб ва Косон йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси, Шаҳрисабзнинг ободончилик очиқ ҳиссадорлик жамияти, Яккабоғнинг «Йўлчи» бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари, ҳайдовчи ва скреперчилари алоҳида ғайрат кўрсатдилар.

Тупроқни мустаҳкамлаш, асфальт ётқизиш, устунларни пайвандлаш, махсус плиткаларни ускуналаш ва бошқа технологик жараёнлар юқори сифатли бажарилди.

Кўприк қурган етар муродга, дейдилар. Ҳадемай, «Нукус-Бухоро-Қарши-Ғузор» автомобил йўлида қурилган кўтарма кўприкдан машиналар қатнай бошлайди.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМКОРУ ҲАМЖИҲАТЛИК –

Дунёда ҳар бир нарса ўзига хос ва бетакрордир. Фақат Аллоҳ таолонинг буюк яратмиши — ҳазрати инсонни бир умумийлик бирлаштириб, яқинлаштириб туради. Инсон ана шу буюк қисмат қаршисида ўзлигини намоён этади. Тили, дини, миллати, туғилган заминидан қатъи назар бу туйғу инсонларни бирбирига яқинлаштиради, дўсту биродар, ҳамкору ҳамфикр қилади. Шу боис бутун олам аҳлига бир қисмат — ягона Ер устида, ягона Қуёш остида — ҳаёт неъматларидан баҳраманд яшаш бахти ато этилган

БЕҒУБОР ОСМОН ОСТИДА

Инсон ҳаёт завқини тотиб яшар экан, бир умр интилиб келган мақсади — тинчлик, тотувлик бўлган. Чунки у ана шу икки буюклик қаршисида хотиржам ва осойишта ҳаёт кечирган.

Шу маънода Мустақил Ўзбекистонимизда ҳукм суриб келаётган тинчлик-хотиржамлик, миллатлараро тотувлик бебаҳо бойлигимиздир. Дўстлик ва ўзаро ҳамкорликка асосланган бу барқарорлик эса муҳтарам Йўлбошчимиз Ислом Каримов олиб бораётган одил ва оқил сиёсат ҳамда изчил саъй-ҳаракат натижасидир.

Мустақиллик йилларида фақат ўзбеклар орасида эмас, Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат вакиллари ўртасида ҳам этник-маданий асосларда бирлашиш, йўл очиб берилиши, хусусан, Республика Байналмилал Маданият Марказининг ташкил этилиши миллатлараро муносабатни уйғунлаштиришда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг ўзига хос тамойиллару анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Шунингдек, республикамиз ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеалар, тантаналар ва оммавий байрамларга тайёргарлик кўриш, турли миллатга мансуб юртдошларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш марказимиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Марказ томонидан амалга оширилган эзгу ишлардан яна бири 1994 йилдан бери ўтказиб келинаётган «Халқ ижодиёти» фестивалидир.

Унда айниқса, арман, озарбайжон, тожик, қозоқ, татар, корейс, немис халқларининг етакчи бадиий ҳаваскорлари чиқишлари катта қизиқиш билан кутиб олинди. Миллий маданият марказларининг йиллик якунловчи чиқишлари Мустақиллик байрами арафасида Халқлар Дўстлиги саройида ва 1 сентябрда Мустақиллик майдонида ўтказиладиган тантаналарга уланиб кетаяпти.

Қардош халқлар ижодкорлари билан учрашувлар, улар ижодига бағишланган ижодий кечалар ўтказишда ҳам марказимиз ташаббускорлик кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида Ходи Тоқтошнинг 100 йиллиги (Татар маданий маркази), Тамарахонимнинг 95 йиллиги (Арман маданий маркази) тантаналари ўтказилди. Ушбу тадбирлар халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаб, жамиятда барқарорликни мустаҳкам таъмин этишга ҳисса қўшяпти. Бу борада марказларимизнинг республикамизда жойлашган элчихоналар билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек Марказимиз Оналар ва болалар йили ва Мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан қатор тадбирлар ўтказди. Айниқса, республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда ўтказилган «Ватан битта — Ватан ягона», «Аёл бахти — иқболи», «Миллатлараро ҳамжиҳатлик — барқарорлик омили» мавзуидаги тадбирларнинг нафи катта бўлди.

Демак, Мустақил Ўзбекистонимизда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумий Декларацияда ва бошқа миллий ҳуқуқий ҳужжатларда мужассамлашган умумбашарий ҳуқуқий қоидалар, тамойиллар тўла рўёбга чиқмоқда.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқни буюк келажак ва улуғвор мақсад сари бирлаштириш, миллати, дини, тилидан қатъи назар ҳар бир фуқарода ягона Ватан бахт-саодати учун чуқур масъулият ҳиссини шакллантириш, комил инсонни тарбиялаш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мазмунига айлантириш — миллий мафкурамизнинг мақсади бўлганидек, марказимиз фаолиятининг ҳам бош мезонидир.

Муножотхон НУРМАТОВА,
Республика байналмилал маданият Маркази директорининг ўринбосари.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (18-модда)

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Юз йил аввал республикамиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. Бу рақам 1959 йилда 113 тага, 1979 йилда 123 тага етди. Аҳолини рўйхатга олишнинг сўнгги натижаларига кўра республикамизда 136 миллат вакиллари яшайди.

Айни кунда республикамизда 100 дан ортиқ миллий-маданий марказлар тузилган. Мазкур марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун 1992 йил 13 январда Республика Байналмилал Маданият Маркази ташкил этилди.

Республикамизда бугунги кунда 9460 дан ортиқ мактаб бўлиб, шундан 845 тасида рус, 595 тасида қозоқ, 339 тасида тожик, 66 тасида туркман ва 63 тасида қирғиз тилларида таълим берилади. Халқ таълими тизимига қарашли Педагогика институтларида қозоқ, рус, тожик тилларида ўқув олиб борадиган мактаблар учун мутахассислар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон матбуоти ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, инглиз, корейс тилларида чоп этиладиган нашрларга эга.

Ўзбекистон телевидениесининг каналлари орқали қатор хорижий тилларда кўрсатувлар мунтазам бериб борилмоқда.

ҚЎШМА КОРХОНА ИШЧИЛАРИ

Бухородаги «Қоракўлтекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида турли миллат вакиллари баҳамжиҳат меҳнат қилмоқдалар. Улар тайёрлаётган маҳсулотнинг 70 фоизи чет эл савдо бозорларида ўз харидорларини топган. Ташаббускорлик ишнинг серунум ва баракали бўлишида асосий омил бўлмоқда.

Суратда: тайёрлов цехи смена бошлиғи Клара Яҳёева бир гуруҳ ишчилар билан.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

«НАМАНГАН ТУШЛАРИМГА КИРАВЕРАДИ»

дейди бошқирдистонлик Зиля Галиулина

Мингбулоқ туман архиви мудираси Дилбархон Нурматжонова қабулига кирган олтмиш ёшлардаги аёл соф ўзбек тилида ўзини Зиля Саидовна деб таништирди ва аризасини тақдим этди. Ундаги «Бошқирдистон Республикаси, Стерлитамак шаҳри, Юбилей кўчаси, 23-уй. Зиля Галиулина» деган ўзбек тилидаги ёзувларни ўқийман.

Уйчи туманида туғилган опа олийгоҳни битиргач, йўлланма билан Мингбулоқ туманига ишга келган экан. Хотираларини ҳаяжон билан эслайди. Қарийб 30 йил чўлқуварлар масканида акушер-гинеколог бўлиб ишлаганлиги-ю кўплаб дўстдугоналар, қадрдонлар орттирганлигини фахрланиб сўзлайди.

Тақдир тақозоси билан 1990 йили она юрти — Бошқирдистонга кўчиб кетган.

— Барибир Ўзбекистонни қўмсайвераман. Наманган тушларимга кираверади, — дейди Зиля Саидовна. — Мустақиллик шарофати билан Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарганлигидан, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигидан, тинч-осойишталик ҳукм сураётганлигидан бошим осмонга етади. «Время»дан Ўзбекистон ҳақидаги ахборотларни интиқлик билан кутаман.

Айтишича, опанинг тўрт фарзанди бор. Қадрдон юртимдан қадамим узилиб қолмасин, деб қизи Замирани Наманган шаҳрига узатган. Телефон орқали тез-тез гаплашиб, вақти-вақти билан келиб туради.

Қарангки, Ўзбекистонга, она тилимизга шунчалар меҳр қўйган бу бошқирд аёли уйда оила аъзолари билан ўзбек тилида сўзлашар экан.

А.ҚОСИМОВ.

БУ ЗАМИННИНГ ОҲАНГРАБОСИ БОР

Ҳар гал ана шу қўшиқни эшитганимда юрагим аллақачук бўлиб кетади. Кўз ўнгимда кенг пахта далалари, олмазору узумзорлардан баркашларни тўлдириб чиқаётган сулувлар, тандирларни тўлдириб нон ёпаётган келинчаклар, дуогўй нуронийлар бир-бир ўтади.

Мен Уруш туфайли Ўзбекистонга келиб қолган украин фарзандиман.Унда жуда ёш эдим...ёдимда қолгани, ёнғин ичида қолган уйимиз. Онамнинг фарёдлари, кейин эса очлик, ёлғизлик ва даҳшатли совуқ...

Ўшанда, биз уйсиз, жойсиз, ота-онасиз қолган гўдакларни ўзбек халқи ўз бағрига олди. Меҳр билан бошимизни силади. Жўра ака деган меҳнаткаш мени ўзига фарзанд қилиб олди. Бу оилада ками кўстсиз ўсдим, камолга етдим. Бу меҳрибон инсонларнинг қуёшдек меҳри мени ўзига шунчалик мафтун этдики, соф ўзбек тилида сўзлашадиган бўлдим. Онажоним атлас куйлак кийдириб, сочларимни майда ўриб қўярдилар.

Эсимни таниганимда ҳам ўзбекона қиёфамдан воз кечмадим. Қайтанга, олий ўқув юртида ўқиб, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб, ёшларга 40 йилдан ортиқ сабоқ бердим.

Ўзбек шеърияти, айниқса, мумтоз шарқ адабиёти жону дилим эди. Навоий, Бобур, Фурқат ғазалларини ўқиганимда синф хоналари сув қуйгандек жимжит бўлар, бундан юрагим ғурурга тўларди.

Ўзбек йигитига турмушга чиқдим. 6 нафар фарзандниг онаси, мактабда директор, оилада яхшигина бека бўлган кунларимнинг бирида, акамнинг тириклиги ҳақида хабар топдим. Акам мени излаб келди, юртимга олиб кетаман, деди...

Ёзги таътилда акамнинг уйига, киндик қоним тўкилган Ватанимга бордим. Сизга ёлғон, худога рост, мана ман деган шаҳри азимда туриб, уч кунда Тезгузаримни, ўша чўлнинг этагига жойлашган қумлоқ қишлоғимни соғиндим. Ҳафта ўтмай, ортимга қайтдим. Шу бир ҳафтада Ватан нима эканлиги, юрт соғинчини дилдан ҳис қилдим.

Ҳа, Ўзбекистон меҳр-муҳаббат маскани, мардлар, баҳодирлар, сўзи-ю иши бир фидоийлар Ватанидир. Бу юртнинг оҳангрaбоси бор!

Зоя ЖЎРАЕВА,
меҳнат фахрийси.

ҚАЛБ ЁЛҚИНИ

Дўстлик чегара билмайди. Унинг чегара чизиғи инсон калбидан ўтади. Киндик қони тўкилган Ватан эса онадек азиз, унинг ҳар сиқим тупроғи кўзга тўтиё. Чунки, инсон Ватаннинг бир парчаси, унинг вужудида ўзи улғайган тупроқ тафти, қуёш ҳарорати, сувларининг шифобахшлиги яшайди. Одамзоднинг туғилган заминга боғланиши, меҳр қўйиб ардоқлаши шундан. Шундан унинг юрагида Ватан муҳаббати мангу яшайди. Жонажон юртимизда яшаётган турли миллат вакилларининг қалб сўзларида ана шу ҳақиқат ўз аксини топган.

Татьяна Острицова,
Тошкентдаги 279-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси:

— Ўзим украин фарзандиман, Ўзбекистонда туғилиб ўсдим. Шу ерда таълим олдим, айни кунда рус мактабида ёшларга ўзбек тилидан сабоқ бераман. Дарсларимда ўзбек миллий урф-одатлари, анъаналаридан унумли фойдаланаман. Тил билган эл билади. Ўзбекистонда яшаб турган барча миллатлар ўзбек тилини қанчалик яхши билса, ўзларининг келажакларига, қолаверса, тотувликка шунча ҳисса қўшган бўлади.

Исмоил Мамедов, Озарбайжон миллий-маданий марказининг раиси:

— Мустақиллик Ўзбекистон тупроғида истиқомат қилаётган барча миллатлар урф-одатларининг ривожланиши учун кенг имконият очган экан, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб яшашимиз, меҳнат қилишимиз лозим.

ОДАМЛАРДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК КЎРДИМ

Онамнинг ҳикоя қилишларича, 37- йилнинг мудҳиш даҳшатлари бизнинг оиламизни ҳам Ватандан жудо этган. Кўплар қатори биз, корейсларни ҳам яшаш жойимиздан мажбурий равишда кўчиришган. Ўшанда меҳмондўст, бағри кенг ўзбеклар бизнинг ота-боболаримизни дўст-биродардек қаршилаган, яхши сўзи, уй-жойи, ҳатто нону ошини ҳам аямаган экан. Бизнинг оиламиз даставвал Сурхондарёда яшаган, деҳқончилик қилган. Кейинчалик Тошкентга кўчиб келганмиз. Мен ўзбекларни она халқимга ўхшатаман. Уларнинг иккаласи ҳам меҳнаткаш, қалби пок, асл фидойилардир. Шифокорман. Ҳар куни олдимга ўнлаб беморлар шифо истаб келишади. Улар орасида турли миллат вакиллари бор. Барчаларига жон-дилим билан хизмат қиламан. Ҳа, Ўзбекистон мустақиллигидан кейин миллатлараро муносабатлар янгича босқичга кўтарилди. Миллий-маданий марказлар тузилди. Корейс миллий-маданий маркази ҳам шулар жумласидандир.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганидан қувонаман. Ҳамжиҳатликда барпо этилаётган қўшма корхоналар икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаётгани биз, Ўзбекистонда яшайдиган корейслар учун беҳад қадрлидир.

Лариса КИМ,
шифокор.

Шукрона

НАВОИЙ ОРЗУ ҚИЛГАН КУНЛАР КЕЛДИ

Ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталадиган заминимиз мамлакатимиздаги энг кенжа ва ҳудудий жиҳатдан энг катта (Қорақалпоғистон Республикасидан кейин) вилоят ҳисобланади.

Маълумки, ўзбек шеъриятининг султони Навоий бобомиз халқни ҳамиша дўстлик-биродарликка, ўзаро ҳамжиҳатликка чақирганлар, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик юртни обод, элни шод этади, деб ҳисоблаганлар. Буюк шоиримизнинг асрий орзулари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Айни кунда ҳудудимизда 90 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. 80 минг нафардан ортиқ қозоқ, 50 минг нафарга яқин рус, 20 минг атрофида қорақалпоқ, 14 мингга яқин татар, 12 минг нафар тожик миллати вакиллари ўзбеклар билан елкама-елка туриб, мустақилликни мустаҳкамлашда камарбаста бўлмоқдалар. Ўз халқининг қадриятларини тиклаш, миллий анъаналарини давом эттириш ниятида тузилган рус, қозоқ, қорақалпоқ, татар, корейс каби ўнлаб миллий-маданий марказлар хайрли ишларни амалга оширмоқда. Рус миллий-маданий марказининг ташаббуси билан ўтказилган пушкинхонлик, есенинхонлик халқларни бирлаштирувчи анъанавий тадбирларга айланиб кетди.

Бизнинг қозоқ миллий-маданий марказимиз раҳнамолигида улуғ шоир ва ёзувчи Абай Қунонбоевнинг 150 йиллик таваллуд куни ва Собит Муқановнинг 100 йиллик юбилейи катта шодиёна сифатида ўтди.

Айни кунда вилоятимизда турли миллат вакилларининг тинч-осойишта яшашлари, меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир миллат вакили ўз она тилида таълим олиш имкониятига эга. Шунингдек, ҳар бир миллат учун газеталар чоп этилмоқда.

Учқудуқ, Томди, Конимех туманларида қозоқ тилида газеталар чоп этилади. Бу, биринчидан, юртимиз мустақиллиги шарофатидан бўлса, иккинчидан, миллий тотувлик ва демократия тантанасидир.

Маълумки, вилоятимизнинг катта қисмини бепоён Қизилқум саҳроси ташкил этади. Ана шу чўлда неча асрлардан бери қозоқлар чорвачилик билан шуғулланиб келганлар. Ҳа, ўзбек билан қозоқ — бир дарахтнинг икки шохи. Бу икки халқ бир ариқдан сув ичиб, бир-бирига қиз бериб, қиз олган қудақудағайлардир. Ишончим комилки, озод ва адолатли юртда дўстлигимиз қудратли тўлқинга айланиб, миллий анъаналаримиз бир-биридан маънавий куч олиб ривожланади, келажаги буюк давлатга асос солади.

Пўлат БОЙИМБЕТОВ,
Навоий вилояти қозоқ миллий-маданий маркази раҳбари.

ОСУДА ҲАЁТ ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

СЕВИШГАНЛАР ниятига етдилар

Агар дўстинг билан тенг кўрсанг баҳам,
Шодлик тенг кўпаяр, тенг бўлинар ғам.
Эркин Воҳидов.

Унинг исми Александр. Яқинлари Саша дейишади. Мен уни 5 йил олдин бир тўйда учратгандим. Ёр-ёр айтиб келган куёв жўралар орасида машъала кўтарган (Бухорода куёв жўралар машъала кўтариб келинникига боришади) малласочли бўйчан йигит эътиборимни тортди. Ҳайратланиб қолганимни кўриб ҳамроҳим изоҳ берди:

— Куёвнинг яқин жўраси, бирга ўқишган.

Қаранг-а, исми Саша бўлган бу малласоч йигитча жўрасининг шунчалик ишончига кирдимикан? Чунки машъалани келинникига кўтариб бориш энг содиқ дўстга насиб этади. Яна Александрни кузатаман. Унинг юзларида акс этган нурдан, кўзларидаги қувончдан сездимки, бу йигитнинг бағри бутун. У тўйда ижро этилган шўх-шўх қўшиқларга яйраб ўйнади, халқимизга хос тавозе билан меҳмонларни кутди, кузатиб қўйди. Яна бу йигит ҳақида сўраб, суриштирдим.

— Саша ажойиб дўст, садоқатли йигит, унга ўзингга ишонгандек ишонишинг мумкин, — дейди синфдош дўсти Одил Жумаев. — Малохат исмли ўзбек қизини севиб қолган. Аммо қизнинг ота-онаси розилик беришмабди.

Кўп ўтмай эшитдимки, бу икки ёшни ниҳоят унаштиришибди. Ахир шундай алпдек йигит! Халқ банкида ишласа, яна русчадан ташқари ўзбекчани ҳам сув қилиб юборган бўлса, одоб-ахлоқи, замонавийлигию тадбиркорлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Александр ниятига етди. Тўйда ёр-ёр янгради, беқасам тўн кийиб, белига шоҳи қийиқча боғлади, бошига салла ўради. Эҳҳе, тўймисан, тўй бўлди ўзиям. Бир йил ўтиб, умрини ёшлар тарбиясига — мактабга бағишлаган Вера Григорьевна неварасидан ортмай қолди. Александр ўғиллик бўлди. Исмини Алишер деб қўйишди.

— Дўстларим ҳаётим мазмуни, улар орасида руслар, татарлар, озарбайжонлар, бошқирдлар бор. Уларнинг ҳаммаси мен учун бирдек қадрли, — дейди Александр

Саида ҚОДИРОВА,
Шофиркон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.

Орзули дунё

БАҒРИМИЗ БУТУН

Марказимиз 1993 йилнинг октябр ойида ташкил этилган. У Ўзбекистонда яшаётган белорусларни ўз атрофига бирлаштирган ҳолда, мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ маданий марказлар билан ҳамкорлик қилиб келяпти.

Бундан ташқари марказ Ўзбекистондаги Белорус элчихонаси билан биргаликда уруш қатнашчиларини, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Мен — оддий белорус қизи Ўзбекистонга келиб фақат яхшилик кўрдим, эътибор қозондим. Ҳали-ҳали эслайман, бу диёрга келганимга бир неча кунгина бўлганига қарамай Тошкент трактор заводига ишга жойлашдим, авиация техникумининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Ўзбеклар мени очиқ чеҳра ила кутиб олганлар. Ўша дамдаёқ бу халқнинг бағрикенглигига, меҳмондўстлигига тан берганман.

Йиллар ўтиб ўқишни тугатдим, оддий ишчиликдан муҳандис даражасига кўтарилдим, оила қурдим. 3 нафар фарзандлик, кейин эса набиралик бўлдим. Онам, акам ҳам шу ерда яшашади.

Қайси юртда бўлмай, доимо Ўзбекистонда шаклланган тарбиянинг кўп ерда йўқлигига ишонч ҳосил қиламан. Бу ерда кекса авлод доимо ҳурматда, инсонлар бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатадилар. Биз ҳам бу ерда қадр топдик, ҳурмат кўрдик. Шу боис бу диёрдан ўзга юртда яшашни хатто ҳаёлимга ҳам келтира олмайман. Таъкидлашим лозимки, қарийб 40 йилдан бери Ўзбекистонда яшар эканман, қўни-қўшниларим — турли миллат вакиллари билан опа-сингил, қадрдон бўлиб кетганмиз.

Республика ижтимоий-маданий ҳаётида биз белоруслар ҳам фаол иштирок этиб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан бахтиёрмиз.

Санъат — дўстлик элчиси дейдилар. Белорус маданий маркази қошидаги «Катюша» фахрийлар фолклор хори ҳам қалбларни бирлаштирувчи куй ва қўшиқлари билан танилган жамоалардан. Унга Валерий Соловьёв раҳбарлик қилмоқда. Фахрийлар хори турли тадбирларда, байрамларда иштирок этиб, ўз дастурини намойиш қилиб келмоқда. Улар шунингдек, шаҳардаги мурувват уйлари, истироҳат боғлари, маҳаллалар ва сиҳатгоҳларда бўлиб, ўзбек, белорус, рус, украин қўшиқларини ижро этиб келмоқдалар.

Айни кунларда «Свитанак» Белорус маданий маркази Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги шодиёналарига алоҳида тайёргарлик кўрмоқда. Биз ушбу тантанага бағишлаб бошқа маданий марказлар, хусусан, рус, украин, болгар маданий марказлари билан ҳамкорликда «Славян бозори»ни ташкил этамиз. Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги майдонида ўтказиладиган ушбу тадбирда миллий ошхонамиз, урф-одат ва удумларимиз, халқ фолклор-этнографик қўшиқларимизни ҳавола этамиз.

Лилия БЕЛОЗЁРОВА,
«Свитанак» Белорус маданий маркази раиси.

ҲИКМАТЛАР

Кўп бил душман битта бўлса ҳам,
Дўстинг мингта бўлса жуда камдир, кам!
Абу Абдулло РУДАКИЙ

Дўст дўстига жонин қилади қалқон,
Дўстдан ҳам яхшироқ борми ҳеч инсон?
Абу Шукур БАЛХИЙ

Икки дўст тураркан елкама-елка,
Тоғларни ҳам осон айлайди тилка.
Абулқосим ФИРДАВСИЙ

Бу дунёда умринг беш кунга обод,
Яхшиси бўл доим дўстлар билан шод.
Хусрав ДЕҲЛАВИЙ

Завқи жаҳондан йироқ — дўстдан айру яшамоқ,
Дўстдан айру яшамоқ — завқи жаҳондан йироқ.
Ҳофиз ШЕРОЗИЙ

Республикамиз зарбдор қурилишларида

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ

унинг ишга тушириладиган Юнусобод йўналишидаги бекатлари қурилишида турли миллат вакиллари елкама-елка туриб ишламоқдалар

Мустақиллик йилларида республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва қишлоқлари бамисоли қурилиш майдонига айланди. Бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари жадал суръатда бошлаб юборилди. Айниқса, пойтахтимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Хорижликларни ҳам лол қолдирадиган бинолар, йўллар, кўприклар бунёд этилди. Эндиликда Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида олиб борилаётган ишлар барчанинг диққат марказида.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрами арафасида Юнусобод йўлининг олтита бекатида иш ғоятда қизғин кетаяпти. Биргина Юнус Ражабий номидаги бекатнинг ўзида «Тошметрокурилиш»дан ташқари 16 та ташкилотнинг 500 нафарга яқин бунёдкори сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Пардозлаш ишларини 20-қурилиш бошқармаси, «Йўллар-қурилиш-сервис» ташкилоти меҳнатсеварлари амалга оширишаяпти. Иш икки сменада, кечаю кундуз узлуксиз олиб борилмоқда. Метрокурилишига пойтахтимизнинг кўпгина корхона ва ташкилотлари, муассасалари вакиллари ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

Халқимизда ҳашар — элга ярашар, деган нақл бор. Бундай савобли ишдан Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам четда қолаётгани йўқ. Куникеча тармоқ Марказий қўмиталари, вилоят касаба уюшмалари Кенгашлари вакиллари метросозлар ёнида бўлиб, уларга қўлларидан келганича ҳамкору мададкор бўлдилар. Бунёд этилаётган бекатлар ишчиларига ош тортилди. Тўкин дастурхон атрофига жам бўлган метросозлар билан суҳбатда бўлдик:

— Ҳамкасбларимга бир назар ташланг, - дейди «Ўзэлектромонтаж» ишчиси Рамил Халиулин, — улар улуғ ишга дахлдор эканликларини қалбдан ҳис қилмоқдалар. Ҳар биримиз ўзимизга топширилган вазифани аъло даражада бажаришга ҳаракат қилаяпмиз. Йиллар кетидан йиллар ўтади. Ўшанда биз қаҳрамонона меҳнат, кўп миллатли кишилар ўртасидаги ҳамкору ҳамжиҳатлик, ташаббусу фидойилик оларини фарзандларимизга тўлқинланиб ҳикоя қиламиз.

— Энг азиз, энг ардоқли байрамимизга муносиб совға ҳозирлаяпмиз, — дея фикрини ифодалайди пайвандчи Андрей Ильин. — Зарбдор қурилиш биз учун катта синов эди. Ундан муваффақиятли ўтаяпмиз. Ўзингиз биласиз, тунда ишлаш осонмас. Масъулиятли онларда бир-биримизни суяшга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Рашид Сайфуддинов, Қобил Гофуров, Вячеслав Югай, Ҳабибулло Ҳошимов, Алексей Гайвой, Комил Сайдуллаев, Александ Вдофкин каби фидойилар сўз ва шахсий ибратлари билан барчага намуна бўлмоқдалар. Шуниси қувончлики, кўпгина корхона ва ташкилотлар, муассасалар ҳашарлар уюштириб метросозларни қўллаб-қувватлашаяпти. Бугун энг оммавий жамоат ташкилоти, меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмаларининг мададини яқиндан ҳис қилдик. Ҳамжиҳатлик, улуғ мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш нақадар завқли. Бу биз — бунёдкорларга куч-қувват бағишлайди.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ,
Ҳакимжон СОЛИҲОВ,
«Ишонч» махсус мухбирлари.

Меҳру оқибат

СЕРГЕЙНИНГ ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Рус йигити Сергей билан украин қизи Ларисанинг Мингбулоқ тумани ҳокимлиги ҳомийлигида ўтказилган никоҳ тўйи кўпмиллатли кишилар ўртасидаги меҳру оқибатнинг ёркин намунаси бўлди

Олгувчи ҳам, бергувчи ҳам Яратганнинг ўзи, дейишади. Сергей туғилди-ю, ота-онасидан бевақт жудо бўлди. Лекин маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар уни ёлғизлатиб қўймадилар. Яхшилар бағрига олди, меҳр-саховат кўрсатди. Маҳалла аҳли турли миллат вакиллари бўлишсада, 38 йилдирки, ҳамкор, ҳамнафас бир-бирига меҳр-оқибатли. Сергей ана шу олижаноб инсонлар орасида ўсиб-унди, камолга етди. Туман машина-трактор паркида тажрибали, меҳнатсевар чилангар сифатида эътибор топди.

Украин қизи Ларисага кўнгил қўйди. Куёв Мингбулоқда-ю келин Чортоқ туманидан. Уларнинг ишқ-муҳаббат ришталари боғланишига ҳайдовчи йигит Муҳаммадали Қодиров сабабчи бўлди. Мингбулоқ тумани ҳокими М.Усмонов эса тўйбошилик қилди. Тўйнинг бунчалик эсда қоларли даражада ўтишини ҳеч ким, ҳатто келин ва куёв ҳам тасаввур қилмаган бўлса керак. Машина-трактор паркининг ҳовлисида тумонат одам тўпланди. Улар йигирмадан зиёд миллат вакиллари. Топган гул келтирар, топмаган бир боғ пиёз, деганларидек, тўй дастурхони нозу-неъматга тўлди. «Ёр-ёр» садолари остида даврага келин-куёв кириб келди. Туман фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси Ҳ.Ҳамроқулова ёшларни никоҳдан ўтказиб, янги бир оила вужудга келганлигини эълон қилди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Салимов келин-куёвга никоҳ гувоҳномаси ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

«Юлдуз» халқ дастасининг таниқли ҳофизлари А.Ашуров, Ш.Бекбоевлар ижросидаги куй-қўшиқлар янграб, ўйин кулгу авжига чиқди. Айниқса, Галина Пучкова, Галина Бондорларнинг соф ўзбек тилида ёшларга бахт тилаганлари даврa аҳлини жунбушга келтирди. Миллий куй-қўшиқлар рус, украин қўшиқларига уланиб кетди. Меҳмону мезбонлар тўй баҳона бир-бирларининг урф-одатлари, анъаналаридан хабардор бўлиб, дўстлик ришталари янада мустаҳкамроқ боғланди.

Сўзга чиққанлар шундай дориломон замонда яшаётганликлари учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдирдилар. Чилангар сифатида обрў қозонган Кувшинов Сергей Владимирович ҳамда олий маълумотли акушер-гинеколог врач Левченко Лариса Николаевнанинг қувончлари эса ифодалаб бўлмас даражада эди. Улар истиқлолнинг 10 йиллиги арафасида ўзларини дунёдаги энг бахтли инсонлардан деб билишган бўлса не ажаб.

... Ватан ичра вужудга келган митти ватан соҳиблари ёр-ёр садолари остида неча йиллардан бери кимсасиз бўлиб қолган Сергейнинг ҳовлисига йўл олдилар. Энди Сергейнинг хонадонида ҳам чироқ ўчмайди. Илоҳим чортоқлик келинчакнинг пойқадами нафақат куёвнинг хонадонига, қолаверса, бутун туманга қутлуғ келган бўлсин!

Қосимжон АКБАРОВ.

ДЎСТ ҚАДРИ

Бу ўлкада ҳар куни байрам,
Ҳар кун яшнаш, юксалиш бунда
Саховатдан юрт обод, кўркам,
Миллат фахри кўпирар жонда
Бунда барча бахтиёр, шодон
Биргалашиб байрам қилишар
Ўзига шох бунда ҳар инсон
Дўст қадрини жон деб билишар.

«Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали

САМАРҚАНД КУЙ-ҚЎШИҚЛАР ОҒУШИДА

Регистон майдонида уч ярим минг киши учун жой ва саҳна тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

25-30 август кунлари кўҳна Самарқанд санъатга ошуфта кўнгилларни яна бир бор ўз бағрига чорлайди ва Регистон майдонида «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади.

— Фестивалнинг очилиш маросимида «Баҳор» ашула ва рақс ансамбли раққосалари, «Сумалак», Ўзбекистон ёшлар театри актёрлари иштирок этади, - деди бош балетмейстер Ҳолида Муҳиддинова «Туркистон-пресс» мухбирига. - Шунингдек, олий ўқув юртларининг 400 нафардан зиёд талабалари, мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ҳам байрам саҳнасига ўзгача шукуҳ бағишлайди. Таниқли хонандалар ижросидаги мақом ва эстрада оҳанглари, хуллас, ўзбек миллий қўшиқчилиги намойиш этилади. Саҳна марказида Шарқ бозори гавдаланади. Заминимиз саховатини, тўкин-сочинликни санъатимиз орқали меҳмонларга намойиш этамиз. Ҳозир саҳнада савдо расталари қурилмоқда. Новвойларимиз етти иқлимга машҳур Самарқанд нонларини саҳнанинг ўзида ёпишади, миллий таом — палов пиширилади. Бир томонда дорбозлар, яна бир томонда қўли гул усталар ва зардўзлар ўз маҳоратларини намойиш этади.



Қашқадарё вилояти касаба уюшма кенгаши «Она ва бола» Давлат дастурини ҳаётга тадбиқ эта бориб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаш арафасида оилавий ансамбллар кўрик-танловини ўтказди.

ОИЛАВИЙ АНСАМБЛЛАР КЎРИГИ

Кўрик-танловда шаҳрисабзлик Соҳибовалар оилавий ансамбли биринчи, қаршилик Аҳмедовлар иккинчи, соғлиқни сақлаш тизимидан Болтаевлар оилавий ансамбллари учинчи ўринни эгалладилар.

ЁЛҚИН.

Футбол

БИР ЧЕТИ ОМАДГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари бу муҳим учрашувга ўзига хос равишда «тайёргарлик» кўрдилар. Ўша бизга олам-олам қувонч бахш этган Иордания сафаридан гурух ғолиби бўлиб қайтгандан буён ўтган давр мобайнида сальковчиларнинг на сўзларини эшитдик, на ўзларини кўрдик. Гўё сувга уриб кетгандек туюлган команданинг, хайриятки, Абу-Дабига йўл олдидан уч кун бурун дараги чиқиб қолди.

Деярли ўша таркиб. Фақат Москванинг «Локомотив» клубида тўп сураётган Маминов жароҳати туфайли келолмаганлигини айтмаса, хавотирга ҳеч қандай асос йўқ. Боз устига, анчадан бери майдонда кўринмай қолган Максим Шацкихнинг ҳам Тошкентга етиб келганлиги кўнгилларга таскин беради, холос.

Ёдингизда бўлса, бир неча шарҳларимизда дарвозабонларнинг хатти-ҳаракатларидан қониқмаётганлигимизни баён этиб, ўз мулоҳазаларимизни айтган эдик. Чамаси, бу масалада терма жамоа раҳбарлари билан фикримиз бир жойдан чиққан кўринади. Эндиги умид Миржалол Қосимовнинг «Крилья Советов»даги жамоадоши А.Поляковдан — зора унинг пойқадами ёқиб, ҳимоя чизиғи янада мустаҳкамланса.

Шундай қилиб, футболчиларимиз бугун Абу-Дабининг 45 даража ҳарорати Форс кўрфази нам ҳавоси билан омухта бўлиб турган бир шароитда Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасига қарши майдонга тушадилар.

Билмадик, қатор халқаро учрашувлар ўтказиб, анча тажриба орттирган БАА устунлик қиладими ёхуд Сальков танлаган тактика ғолиб келадими? Ҳар қалай, Ўзбекистон терма жамоаси ҳозирги кўриниши билан жуда кўпчилик рақиблар учун сирлироқ бўлиб турибди.

Бундан етти йил муқаддам Хиросимада барчани ҳайратга солиб, ҳеч кимга номаълум Ўзбекистон терма командаси Осиё ўйинлари чемпиони бўлганини бир ёдга олайлика! Ўшанда бизни ҳеч ким танимасди. Бугунги вазиятда ҳам қандайдир маънода ўхшашлик мавжуд. Зора, яна омад кулиб боқса...

Яна икки ҳафтадан сўнг истиқлолимизнинг муборак ўн йиллигини нишонлаймиз. Тарихан қисқа давр ичида барча соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам юртдошларимиз улкан ютуқларга эришдилар. Бугун жуда кўплаб турлар бўйича қитъа ва жаҳон чемпионларимиз бор. Шахматимиз халқаро миқёсга чиқди, миллий курашимизни дунё эътироф этди, теннисчиларимизнинг номлари турли нуфузли турнирларда эҳтиром билан тилга олинадиган бўлди.

Энди навбат — футболга. Терма жамоамизнинг Жаҳон чемпионатида иштирок этиши миллионлар ўйини ишқибозларининг азалий орзуси. Бунинг учун кўп нарса керак эмас. Саралаш гуруҳида ғолиб чиқилса кифоя. Умид қиламизки, Абу-Дабидаги учрашув ана шу хайрли йўлдаги дастлабки қадам бўлади.

Зайниддин РИХСИЕВ.

Ўтмишсиз келажак йўқ

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори йил сайин ошиб бораётган ушбу даврда халқимизнинг ўтмишда давлатчилик соҳасида эришган тарихий ютуқ ва тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ўзбек халқи аждодлари мозийда ўз диёри ва унга ёндош ҳудудларда бир қанча йирик давлат бирлашмаларини барпо этганки, уларнинг тарихи нафақат Турон, балки жаҳон тарихининг ёркин саҳифаларини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи Марказида таниқли тарихчи олимлар ҳаммуаллифлигида яратилган «Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. 1 қисм» китоби олдинроқ нашр этилган «Ўзбек давлатчилиги тарихи» асари каби энг қадимги пайтлардан Россия истилосигача бўлган даврдаги миллий давлатчилигимиз тарихини тадрижий равишда қисқача тарзда ёритишга бўлган уринишлардан биридир.

Муаллифлар кўпгина масалаларга эски қолипларни инкор этароқ, янгича ёндошишга ҳаракат қилганлари, уларнинг илк давлатларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақидаги қизиқарли ва жўяли фикр-мулоҳазаларида ҳам кўринади. Мавжуд манбаларни илмий ўрганиш асосида бу хусусда тамомила янгича фикр илгари сурилади. Бунга кўра, илк давлатлар ҳосилдор ерлар майдони билан чегараланган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги суғорма деҳқончилик воҳаларида пайдо бўлган. Бундай воҳалар аҳолиси учун ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил этиш, жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини бошқариб туриш масалаларини ечиш каби муҳим ва ҳаётий заруриятлар натижасида пайдо бўла бошлаган.

Китобда баъзи майда давлат ташкилотларининг ўзаро ҳарбий-сиёсий уюшмалар тузиш натижасида милоддан аввалги VII-VI асрларда Қадимги Хоразм ва Қадимги Бақтрия каби йирик давлатлар пайдо бўлгани кўрсатиб берилган. Ўлкамиздаги энг қадимий давлатлар ҳудуди, улардаги диний, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ёритиш учун Авесто маълумотлари ва археологик қазишмалар материаллари кенг жалб қилинган.

Навбатдаги бобларда сўнгроқ вужудга келган Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар, Шайбонийлар сулолалари ва уч хонлик (Бухоро, Хива, Қўқон) давридан ташқари ўлкамиз вақтинчалик ажнабийлар асоратига тушиб қолган араб халифалиги ва Чиғатой улуси даврида бошқарув тизимида қандай ўзгаришлар юз берганига ҳам тўхталиб ўтилган. Бунинг зарурияти шундаки, мазкур даврларда жорий этилган айрим ижтимоий-иқтисодий муносабатлар сўнгроқ пайдо бўлган мустақил давлатларда ҳам қисман сақланиб қолган.

Китобнинг зарур қўлланма сифатидаги амалий аҳамиятини оширувчи жиҳатларидан бири унга хариталар ҳамда турли даврлардаги бошқарув тизими, унвон ва мансаблар, ҳуқуқий муносабатлар, ер эгалиги ва ҳоказоларга оид кўп сонли жадвалларнинг илова қилинганлигидир.

Катта масалага бағишланган дастлабки тадқиқотлардан бири бўлгани сабабли, табиийки, китоб айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Ўзбек давлатчилиги тарихида беқиёс аҳамиятга эга бўлган турк хоқонлиги даврининг китобда ёритилмагани тушунарсиздир. Бундан ташқари, барча бобларда давлат тузуми, иқтисодий муносабатлар ва ҳоказоларга кўпроқ эътибор берилгану, Марказий Осиёдаги давлатларнинг ташқи сиёсати ҳамда қўшни ёки узоқ мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақидаги маълумотлар умуман йўқдир. Ваҳоланки, дипломатия тарихи давлатчилик тарихининг таркибий қисмидир.

Ўйлаймизки, китобнинг иккинчи қисмини ёзиш жараёнида муаллифлар юқоридаги камчиликларни имкон қадар тузатсалар, унинг илмий ва амалий аҳамияти анча ошади.

Ғулом КАРИМ,
ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.

Ёз гашти ўзгача

СОЙ СОҲИЛИ СЎЛИМ- СЎЛИМ

«Ўзсаноатқурилишбанк» маъмурияти ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси кўп йиллардан буён соҳа ходимлари фарзандларининг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун бор имкониятни ишга солиб келмоқдалар. Жорий йилда ҳам меҳнаткашлар фарзандларини дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бу мақсадда 10 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Тармоқ ходимларининг фарзандлари Тошкент вилоятининг энг сўлим оромгоҳларига йўлланмалар билан таъминландилар.

Тошкент шаҳар бўлимлари ходимларининг 265 нафар фарзанди ёзни мароқли ўтказдилар.

Уч йилдирки, бундай хайрли ташаббусдан қорақалпоғистонлик болалар ҳам баҳраманд бўлишмоқдалар. Уларни оромгоҳларга йўлланмалар билан таъминлаш, Тошкентга олиб келиш ва ҳордикдан сўнг ота-оналари бағрига кузатиб қўйишдек масъулиятли ишга «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Нукус бўлими маъмурияти камарбаста бўлмоқда. Жорий мавсумда 63 нафар қорақалпоғистонлик ўғил-қиз «Оқтош» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқарди.

Банк маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ходимлари вақти-вақти билан улардан хабар олиб туриш билан бирга зарур ёрдамларини аямадилар. Хусусан, болажонларга совға-саломлар ҳадя этиб, қувонч улашдилар.

Уларга кўрсатилган меҳр-оқибат, болалар ўртасида қарор топган дўстлик вақти келиб ўз ижобий мевасини беришига шубҳа йўқ.

Зокир СОБИТОВ,
Тошкент шаҳар «Ўзсаноатқурилишбанк» бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

ЭНГ ЯХШИ ҲУНАРМАНД АЁЛ

Ғузорлик Венера Фарахуддинова ўз жамоаси билан ясаган ранг-баранг ўйинчоқлар беш юздан ошди. Венера раҳбар бўлса-да, болаликнинг беғубор дунёси ичра яшайди.

Унинг ўйинчоқлар ясашга қизиқиши оддий эҳтиёждан бошланган. Ғузор туманидаги «Камалак» боғчасига мудира этиб тайинланиши билан боғчада ўйинчоқлар тақчиллигини кўриб, тарбиячилар билан кенгашди. Боғча жамоаси қисқа фурсатда қийқим материаллардан қўғирчоқлар, турли-туман ўйинчоқлар ясашди. Ўйинчоқлар болаларга маъқул келди.

«Камалак» боғчасига киришингиз билан бўйи салкам икки метрлар келадиган катта-катта туяларга кўзингиз тушади. Бу манзара оддий матодан бунёд бўлган. Боғчадаги эртак қаҳрамонларини ҳам Венера Фарахуддинова ва унинг жамоасидаги қўли гул чеварлар тайёрлашган. Бу ерда мўъжазгина қўғирчоқ театри ҳам фаолият кўрсатяпти. Унинг актёрлари жажжиларнинг ўзлари. Улар вилоятдаги мактаблару боғчаларда бўлишиб, қизиқ-қизиқ эртаклар намойиш қилиб туришади. Шунинг учун ҳам «Камалак» қўғирчоқ театрининг довруғи вилоят болажонлари орасида машҳур.

«Ташаббус-2001» кўрик танловида қўғирчоқларнинг моҳир устаси Венера Фарахуддинова «Энг яхши ҳунарманд аёл» совринини қўлга киритди. Ҳозир у республика танловига тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон билан Россия мутахассис олимлари ўртасида соғлиқни сақлаш билан боғлиқ илмий ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай яқин алоқанинг самараси ўлароқ «Амалиётчи шифокорнинг маълумотномайўлкўрсаткичи: «А»дан «Я»гача 2000 хил касаллик» деб номланган янги нашр юзага келди.

Москвадаги «Геотар Медицина» нашриёти томонидан рус тилида чоп этилган мазкур тўпламда 2000 дан ортиқ турли касалликлар ҳақида маълумотлар берилган.

НУФУЗЛИ НАШР

Бу нуфузли нашрни босмага тайёрлашда Ўзбекистондан кўпгина таниқли шифокор олимлар қатнашди.

Китобда Ўзбекистонда кенг тарқалган қатор хасталикларни даволаш ва клиник муолажасига бағишланган алоҳида бир бўлим ҳам бор. Унда ўзбек олимларининг ошқозон яраси, сариқ касалликлари, қандли диабет, жигар циррози каби хасталикларни даволашга оширган илмий изланишларининг самаралари ҳам ёритилган.

Фойдали ушбу нашрни ўзбек тилида ҳам чоп этиш кўзда тутилди.

А.АЛИЕВ.

Бу ажиб дунё

МЎЪЖИЗАНИНГ ЯРАЛИШИ

Кундалик ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Улар ўзининг асл вазифаси бўлмиш ахборот узатишдан ташқари, бўш вақтимизни кўнгилли ўтказиш учун ҳам хизмат қилади. ОАВлари ичида телевидениенинг алоҳида ўрни бор, албатта.

Ҳар бир соаҳнинг ўз тарихи ва тарихчилари бўлгани каби телевидениенинг яралиши ҳақидаги маълумотлар ҳам оз эмас. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, илк уриниш XIX асрнинг охирларига тегишлидир.

Ҳаракатдаги тасвирни узатишга бўлган уриниш илк бор ака-ука Огюст ва Луи Люммерлар зиммасига тушди. Улар 1895 йил 28 декабрда бунинг уддасидан чиқадилар ҳам. Уларнинг отаси Лион шаҳрида фотомаҳсулотлар савдоси билан шуғулланар эди. Отасига савдо ишларида кўмак бераётган ака-укалар махсулотнинг бир қисмини сотиш ниятида Парижга олиб келадилар. Улар харидорларни жалб этиш мақсадида антиқа намойиш ўтказадилар. Замонавий проекторларга жуда ўхшаш бўлган аппарат ясашган ака-ука кичик оралиқлар билан бирин-кетин корхона дарвозасини, у ердан чиқаётган одамларни ва ҳаракатдаги поездни суратга туширадилар. Кейин шу лавҳани ишлаб чиқиб, бир шаклга бирлаштириб уни аппаратга туширадилар. Ёруғ - ингичка нур ўтганда эса лавҳа деворда акс этарди. Аппарат дастаси айлантирилиб турилиши натижасида эса антиқа ҳодиса- кадрлар алмашинуви юз берарди. Кадрлар алмашинувининг кетма-кетлиги ва тезлиги барча олинган лавҳаларни бир бутун табиий ҳаракатчан шаклда кўрсатишга имкон берарди. Бу ҳақиқатга шунчалик ўхшар эдики, биринчи намойишдаёқ юраётган поездни кўрган одамлар ваҳимага тушиб, ўрниларидан туриб қочишга тушганлар. Негаки, бу янги санъат тури улар учун кутилмаган ходиса эди. Шу тариқа Париждаги Капуцинлар ҳиёбонида жойлашган «Гранд - кафе» кинонинг туғилган жойи бўлиб тарихга кирди.

1842 йил шотландиялик А.Бейн «факсимал телеграмма», яъни, тасвирни масофага узатишга қодир телеграмма ҳақидаги ғояни илгари суради. 1862 йили эса италиялик Козелли деган киши «кимёвий телеграф»ни ихтиро қилади. Унинг ёрдамида симлар орқали расм ёки матнни узатиш имконияти вужудга келди (у вақтлар ҳали фотография яратилмаган эди).

«Кимёвий телеграф» Россияда ҳам яратилиб, Москва ва Петербург орасидаги алоқа линиясида синовдан ўтказилди ва унга «пантотелеграф» номи берилди. Тасвир жуда узоқ вақт мобайнида узатилгани боис, Козелли кашфиёти унинг замондошларига маъқул бўлмади. Натижада ихтиро тезда унутиб юборилди.

(Давоми бор)

Ирода АСИЛБЕКОВА,
ЎзМУ талабаси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси ушбу тизимда узоқ йиллар фаолият кўрсатган, меҳнат фахрийси Халил Жалиловга умр йўлдоши **Галина АЛЕКСАНДРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 топширилди: 23-10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6